

АВЛИЁЛАР МАКОН  
ЭТГАН ЮРТ



4  
Соҳида УМАРОВА:  
ЯХШИЛАРГА СУЯНИБ  
ЯШАЙМАН!

...ҚАДРИГА  
ЙИЕЛАГАН  
ОНА



8  
КЕЛИН ТАНЛАШ  
СИРЛАРИ

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Назира БОЙМУРОВОВА  
сурат-лавҳаси.

*Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,  
Биттадир дунёда Она деган ном.*

Абдулла ОРИПОВ

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Сирдарёнинг орденли мураббийи .....	2
«Омондара гуллари» куйлайди! .....	5
Муҳаббати сароб бўлган йигит .....	6
Бир ҳафталик куёв ёхуд уч йилдан кейинги айрилиқ .....	7
Собиқ эр-хотинлар ҳуқуқи .....	8

### ҲИКМАТ

Қуёш нурларини  
беркитиб бўлмаган  
нидек, ҳақиқатнинг  
чироғини ҳам сўнди-  
риб бўлмайди.

аз-ЗАМАХШАРИЙ

# УМИДЛАРИ ОСМОНЧА БОР

Сирдарё вилоятидаги Янгиер қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежи ўқитувчиси Матлуба Тешабоева 2009 йилнинг декабрь ойини ҳамон ҳаяжон билан эслайди. Юртбошимиз унинг кўксига "Меҳнат шухрати" орденини тақиб, бир кучок гул тутқазганида кўзлари севинч ёшларига тўлди. Ҳалол меҳнати кадрланганидан дунёга сигмай кетди у шу лаҳзада.

Матлуба опа оддий деҳқон оиласида туғилган. Отаси Фозил Толипов меҳрибон, юмшоққўнғил киши эди. Фарзандларининг ўқимишли бўлишини хоҳлар, бунинг учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Онаси Ҳидоятхон уй бекаси бўлиб, рўзгор юкани умр йўлдоши билан баб-баравар тортарди. Дўппи сотиб тирикчилик қилиб, болаларининг кам-қўстига ишларди. Рўзгор тўқис эди. Матлуба яхши ўқир, яхши баҳолар олганида отаси рағбатлантириб борарди. "Ўқитувчи бўлмоқчиман" деди у мактабни битираркан. Хужжатларни олиб, амакиси Набижон Толипов билан Тошкентга жўнашди. Амакиси уни Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)га бошлаб борди. Қурилиш факультетининг иссиқлик газ таъминоти ва вентиляция бўлимига хужжат топширдилар. Талабалик йиллари бошланди.

Институтни битиргач, Матлуба йўлланма билан Янгиер коммунал қурилиш техникуми (ҳозирги Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи)да ўқитувчи бўлиб иш бошлади. Ишга иштиёқ, меҳр муҳаббат билан киришди. Ҳар йили битта гуруҳга раҳбарлик қилади. Бу камидан 30 нафар ўқувчининг таълим-тарбиясига масъул дегани. Энг аввало ота-оналар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳар бир ўқувчининг уйига бориб, шарт-шароитлари билан танишини қанда қилмади. Муаммо туғилса, уни бартараф қилишга, ўқувчилар кўнглини топишга, уларга ёрдам беришга интилди. Бу ўз самарасини бера бошлади. Гуруҳдаги ўқувчилар

ри турли танловларда иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келаётганининг сири шунда.

Матлуба Тешабоева меҳнат қилаётган жамоа катта. Коллежда 1200 нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олади. Уларга 70 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради, касб-хунар ўргатади. Устозлар жамоасининг ўзи 130 кишидан кўп. Бу ерда фанга, касб-хунарга оид турли хоналар мавжуд. Газ таъминоти тизими хонасига Матлуба Тешабоеванинг ўзи мудирлик қилади. Хоналарнинг ҳаммаси замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

— Инсоннинг ҳаётида яхшиларнинг амаллари муҳим ўрин тутади, — дейди Матлуба Тешабоева. — Ёш, билмидон, чаққон педагог Абдушохид Абдуқодиров билан бирга ишладим. Баъзан ўзингдан ёш бўлганлардан ҳам кўп нарсалар ўргансан киши. Одамижон, раҳбарлик салоҳиятига эга бу йигит меҳнат қилгани кадрлар, ўз вақтида рағбатлантиришни ҳам биларди. Жамоамизда Манзура Қурбонбекова, Ўткир Файзиев, Жамшид Аҳмедов, Гулчехра Раҳмонбердиева сингари ҳамкасбларим борки, биз ҳаммиша бир-биримиз билан ҳаммаслақ, елкадошимиз.

Матлуба Тешабоева бадий китоблар ўқишни яхши кўради, китобни ҳаётни ўргатадиган устоз, деб билади. Коллежда йирик китоб фондига эга ахборот ресурс маркази бор, уйдаги кутубхона ҳам ниҳоятда бой. Устоз кўп вақтини ана шу ерда ўтказидади. Ўқувчиларининг ҳам китоб билан дўст тутишини хоҳлайди ва буни ҳаммиша уқртириб боради.

— Яхши ниятларни дилга жойлаб, меҳнат қилган одамнинг кўнглидаги орзу-ниятлари рўёбга чиқавараркан, — дейди у. — Энг муҳими, эл-юрт тинч бўлсин. Мана, Ватанимизнинг энг азиз, энг улуг байрами — Истиқлолнинг 22 йиллик шодиёналари арафасида турибмиз. Мана шу қисқа даврда бошқа соҳалар каби таълим тизимида ҳам жуда салмоқли ислохот-

## Бугуннинг одамлари



лар, янгиланишлар амалга оширилди. Ютуқлар ҳақида ўйларкансиз, беихтиёр кеча ва бугунни солиштирасиз. Ўлкамизнинг ҳар жиҳатдан ривожланиш йўлига ўтиб олгани кўнглини тоғдек кўтарди. Фарзандларнинг эртаси, шогирдларимиз камолидан кўнглимиз тўқ. Осмони мусаффо, жаннатмонанд заминда яшаётганимиз учун шукрона айтамыз. Яхши яшашимиз, яхши ишлашимиз учун яратилган имкониятлар бизни янада кўпроқ ишлашга, мамлакатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилишга ундайди.

Матлуба Тешабоева ўзи истиқомат қилаётган Бобур маҳалласининг фаоли. Оиласи ибратли, турмуш ўртоғи Раҳматжон Тешабоев ҳалол касбининг ортидан элда ҳурмат қозонган инсонлардан. Ўғиллари Аҳмаджон, Самаджон, Жасурбек ва Сардор, қизи Лолаҳонлар аллақачон ўзлари қизикқан, яхши кўрган касб-хунарларни эгаллашган. Келинлари Раънохон билан Севараҳонлар уйнинг чироғи, шулар билан ҳаммаёқ чароғон, файзли. Айниқса, беш невараси атрофида чуғурлашса, ҳовлига файз қиради, кўнгли тоғдек кўтариллади.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА,  
Норинисо ҚОСИМОВА,  
"Оила ва жамият" мухбирлари.  
Сирдарё вилояти.**

## Ш у к у ҳ

### МЕН — ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИМАН!

Бундан йигирма икки йил аввал Бўка туманидаги Мевазор маҳалласида туғилганман. Эсимни танибманки, онам ҳар доим "Қизим, сизлар энг бахтли авлод вақилисизлар, ота-боларим орзу қилган замонда яшаётганингиз учун шукр қилинглр", деган гапни тез-тез такрорлайди. Чиндан ҳам шундай. Энг аввало, ота-онамининг, қолаверса, жонқуяр устоз ўқитувчиларимнинг таълим-тарбияси, панду насихатлари туфайли аввалига ўрта мактабда, кейин эса коллежда аъло баҳоларга таҳсил олдим. Тошкент вилояти педагогика институтининг психология факультетини муваффақиятли тамомладим. Ақлимни таниганимдан бери, биламанки, ота-онам, амакиларим фермер хўжалигида тиним билмай меҳнат қиларди. Шу боис ҳам, ҳалол меҳнатнинг нони ширинлигини чуқур англайман.

Улғайиб, энди ўзим шарафли бир касбни эгаллагач, тушундимки, ота-онамининг, кўни-қўшнларимнинг ибратли ҳаёти, сермазмун турмуши биз учун кўзгу вази фасини ўтаган экан. Маҳаллаимиз аҳиллиги, тотувлиги, одамларнинг бир-бирига гамхўр ва суянчиқ эканидан ҳаммиша кўнглимиз. Шундай бахтиёр замонда яшаётганимдан мамнунман.

Ҳар бир инсон, аввало, ўз оиласида бахтли бўлсагина жамиятда ўз ўрнини топади. Шу маънода мен ҳам бугун бир хонадоннинг суюкли келиниман десам арзийди. Турмуш ўртоғим Ўқтам ака энг масъулиятли ва машаққатли соҳа — ёнғин хавфсизлиги хизматида ишлайди. Қайнонам Мамлакат опа эса онамдек меҳрибон. Билмаганларимни ўргатади, бағрикенглик билан кўнглимни кўтариб, тўғри йўлга солади.

Яқинда оиламизда қувончли воқеа рўй берди: мен она бўлдим! Ўғлим Шохруҳбек ҳар икки хонадон ахлига шодмонлик улашди. Фарзандим келажакдан кўнглим тўқ. Негаки, у ҳам менга ўхшаб истиқлол замонида дунёга келди. Уни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш учун юртимизда Президентимиз раҳнамолигида барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган. Бу эса менга ўхшаган ёш оналар қалбига ифтихор ва шуқуҳ бағишлайди.

Юртим обод, оилам тинч, фарзандим, ота-онам ва яқинларим саломат. Шунинг ўзи бизнинг бахтимиз, саодатимиздир.

**Шаҳзода НАСИМОВА,  
Олмалик шаҳри.**

### ФОТОКЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида 12 август — Халқаро ёшлар кунига бағишланган кўрғазма очилди.

Фондфорум, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA) ҳамкорлигида ташкил этилган кўрғазмада "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази лойиҳалари, "Биз — 22 ёшдамыз!", "Мен ва менинг ҳаётим" йўналишлари бўйича саралаб олинган икки юзга яқин фотосурат намойиш этиляпти.

**Ўз мухбиримиз.**

## МАСЛАҲАТЧИ

# ТАДБИРКОР БЎЛСА...

Барчамизга маълумки, бугун маҳаллалар зиммасига оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда хотин-қизлар, ёшлар ўртасида ахлоқий тарбия масалалари ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш каби масъулиятли вазифалар ҳам юклатилган.

Бу борада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. Шаҳрихон тумани Пахтобод қишлоғидаги Дўрмон МФЙ маслаҳатчиси Муяссар Олимова мана етти йилдирки, одамларни бир мақсад йўлида бирлаштириб, ёшлар билан тил топишиб маҳалладошлари меҳрини қозонди. 670 та оила таркибида 3151 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бу ҳудуд тумандаги энг ибратли маҳаллалардан. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ.

2004 йили Муяссар Олимова ишни маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришдан бошлади. Ҳар бир оиланинг яшаш тарзи, шарт-шароитларини ўрганди. Шундан сўнг хотин-қизларни хунарга ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш мақсадида маҳаллада "устоз-шогирд" аъналарини қайта тиклади. Тўн тикадиган чеварлар Лобархон Жўраева ҳамда Малоҳатхон Хўжамовларга ўндан зиёд қизларни бириктириб қўйди. Айни пайтда ёшлар улардан хунар ўрганишмоқда. Мўътабархон Масаидова

жияк тўқиш сирларини қизларга ўргатиб, уларни хунарни қилмоқда. Дониёр Олимов эса кулолчилик мактабини яратган хунардонлардан. 17 нафар шогирди ундан кулолчилик сир-синаотини ўрганишмоқда.

— Маҳаллаимизда 1678 нафар хотин-қиз истиқомат қилади, — дейди Дўрмон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдусалом Яхёқулов. — Аёнки, ҳар бир аёл ўз хонадонининг фариштаси. Бекаси тежамкор, уддабур билса рўзгорда доимо хотиржамлик барқарор. Шуларни ҳисобга олган Муяссархон ташаббус кўрсатиб, ёш болалари ва ишламайдиган аёлларни ҳам касаначиликка жалб қилди. Мақсадимиз, барча оилалар ўзларининг ҳалол меҳнати, хунарлари ортидан яшиғини даромад топсин. Ана шундагина ҳар бир хонадонда тотувлик, фаровонлик барқарор бўлади. Аёлларнинг кўпчилиги маҳаллаимиз ҳудудида фаолият юритаётган "Аҳмадали ота", "Хурдиёр", "Фирдавс" фермер хўжаликларидан ишлашади. Муяссархон Олимованиннг ўзи эса "Зиёлилар ёрқин иқболи" тўтчилик фермер хўжалигини бошқаради. Фермер хўжалигидан топилган даромадлар эвазига ҳудудимиздаги 12-умумтаълим мактабига хомийлик ёрдами беришади. Учта ҳам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишади шоввозлар.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,  
"Оила ва жамият" мухбири.  
Андижон вилояти.**

## Маҳаллаимиз — фахримиз

# АВЛИЁЛАР МАКОН ЭТГАН ЮРТ

...Ушанда саксонинчи йиллар эди. Туш чоғи. Офтобнинг тафти еру кўкни бирдек киздирган. Ҳамма ўзини соя-салқинга олган палла. Айниқса, биз болаларни офтоб уришидан химоялаб, ташқарига чиқаришмайди. Худди ана шундай пайтда тасодифан онамининг уч-тўртта ҳамкасб аёллар билан қаергадир ошиқаётганлари устидан чиқиб қолдим. Аёллар сассиз бир алфозда, шошилинч тайёргарлик кўришарди. Албатта, улар боғчадаги ҳамма болалар қатори мени ҳам ухлаяпти, деб ўйлашган. Уйғоқлигимни кўргач, бир-бирларига зимдан қараб кўйишди. Аммо энди кеч эди. Чунки ҳаммаша онамга "дум" бўлиб эргашиб юрадиган чоғларим эмасми, энди уларни осонликча кўйиб юбормаслигим аниқ эди. Онам мени кўндирмоқчи бўлиб: "Биз бир ерга тез бориб келамиз, сен дам олиб тургин", деди.

Аммо бу гапга кўнадиган анойи эмасман. Буни билган боғчадаги тарбиячи Гулнора опа ёнимни олди: "Майли, кўяверинг, бирга бориб келар".

Бахмал холам эса хавотир билан эътироз билдирди: "Бировга "гуллаб" кўйса-чи". Онам ҳамма шубҳаларга хулоса ясади:

— Хавотир олманг, қаерга борганимиз, нима қилганимизни ҳеч кимга айтмайди. Айтмайсан-а? Бу ўзи ақлли, сир сақлашни билади...

Хуллас, тенгдошларимдан фарқи ўлароқ қайсарлигим боис, ювиниб-таранган, чиройли рўмолларини бошларига солган аёлларга эргашиб, онамининг этакларидан тутиб, куннинг ҳазирама иссиқ алангасига ҳам эътибор бермай, катталар билан кетаётганимга хурсанд бўлиб, уларга етишиб юришга ҳаракат қилиб, чопқиллаб борардим. Биз Анжирбоғ кишлоғидаги "Ғунча" деб номланган боғчадан чиқиб, Охунбобоев номидаги 33-сонли ўрта мактабнинг рўпарасидаги кишлоқ фуқаролар йиғини жойлашган бино ва ундан кейин ҳўжалик моллари билан савдо қилувчи дўконнинг ёнидан ўтиб, тол, тераклар бўй чўзган қалин дарахтзор оралаб, баланд кўтарилган оппоқ шўртупроқдаги катта-кичик, бири темир, бошқаси пишиқ

ғишт, яна баъзисига мрамартош қўйилган сағаналар дўмпайиб турган катта қабристонга кириб бордик. Гулнора опа одам бўйидан ҳам баланд ғуж бўлиб, қалин ўсган қамишларни қўллари билан қайириб, суриб, биз — ортидан келаётганларга йўл очиб борар, менинг юрагимни ваҳима босганидан дамим ичимга тушиб кетган эди. Бу сўқмоқдан анчадан бери ҳеч ким юрагани боис қамишзор шу тарзда қалинлашиб кетган эди. Биз нимагадир қабристонга олиб кирадиган тиконзорли тупроқ йўлдан эмас, мана шу қўрқинчли сўқмоқдан юриб борардик. Назаримда, анча йўл босдик ва қаерга кетаётганимизни билмаганим учун, ичимдаги ваҳима тобора кучаярди. Қурбақалар шовқинига чўмган шу ярми ботқоқ қамишзордан тезроқ чиқиб кетсайдик, деган истак билан атрофга олазарак боққанча илдамлардим. Юравериб, ниҳоят жуда қадимий гиштин бинонинг олдида ўтиб, катта оқ сағанани паналатиб қоқилган ёғочга етиб, тўхтадик. Гулнора опа катта сағанага қандай кириш кераклигини уқтирди ва ҳамма жам бўлгач, қуръон тиловат қилди. Юзимизга фотиҳа тордик. Аёллар бир-бирларига қарашиб дедилар:

— Зиёратингиз қабул бўлсин!  
— Муродингиз ҳосил бўлсин!  
Бу ердан унча узоқда бўлмаган катта тошқудудан сув тортиб ичдик.

— Шифо бўлсин, — дейишди аёллар.


Хайрият, шундан кейин ортимизга қайтдик. Уша кунги ваҳимали таассурот ҳамон юрагимда сақланади...

... Шу воқеадан бир йил ўтгач, мактабга бордим. Бир кун онам сахар туриб, бизни ҳам уйғотдилар. Кечқурун уйкуга ётишимиздан аввал қўлларимизга сурган хинолар устидан боғлаган дастрўмолчаларни ечиб, офтобадан сув

қуйиб, қўл-бетимизни ювдирдилар. Ҳовли, супаларни яна бир бор супуриб, сидириб, тозалаб, хонтахтага дастурхон солдик. Бир кун илгари пишириб, тоғораларга солиб

— Опажонлар, ҳеч ким бу ерга йўламасин деган буйруқ бўлган. Қайта қолинлар, бир гап кам бўлсин. Менгаям тинчлик керак, бола-чақам бор.

Милиция амаки бизни қаб-



қўйган бўғирсоқ, қуш тили, сомса, чак-чаклардан ликопчаларни тўлдириб дастурхонга қўйдик. Ҳайитингиз муборак, деб чиққан қариндошлар, кўни-кўшиларни ҳам чойга таклиф этиб, болаларнинг қўлларига ҳайитликлар улашиб, ҳаммамизга янги кийимларимизни кийдириб, ясантириб, катта патнис қўйиб боғланган оғир дастурхонни бошларига қўйдилар-да, бизни етаклаб йўлга тушдилар. Яна ўша қабристонга томон кетардик. Аммо бу гал онамга ўхшаган бир неча аёллар ҳам йўлимизда учраб, биргалашиб бордик. Қабристон маҳитининг кўҳна биносига яқинлашганимизда милиция формасидаги киши йўлимизни тўсди:

— Опалар, қайтинглар. Бу ерга кириш таъқиқланган, мумкин эмас, — деди.

Онам эса:

— Шундоққина кириб, шу ерда хизмат қиладиган қорувул — Ҳайдар бобога атаб олиб келган ҳайитликларимизни ташлаб, ўтганларнинг ҳақиқа қуръон тиловат қиланди-у дарров қайтамыз, айланай укажон, — дедилар.

ристон тарафга ўтказмади. Узун-қиска бўлиб, ортимизга қайтдик. Онамининг кўзларидан шаррос қуйилаётган кўзёшларга қараб, мурғак дилим увишди. Аммо... афсуски, онамга раҳим келгани, уларга ачинганим ҳолда... ху олдинги галгидек, қамишзор, тиканзорлардан юрагимни ҳовучлаб юриш куйидан халос бўлганимдан кўнглим хотиржам тортинди...

1993 йилнинг куз фасли. Онам кўчадан қувониб кирдилар.

— Бугун хамир қорувдим. Учидан патир, бўғирсоқ пишириб, Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳларида ҳашар қилаётганларга олиб бордим. Буни қаранглар, у ерга германияликлар келишган экан. Зиёрат қилишди. Яна ўзимизникилар қиноям олишаётган экан. Мендан ҳам бу ерларнинг тарихини сўрашди... Худодан айланай, шу кунларгаям етдик...

Ҳа, дарҳақиқат, истиқлолимизнинг илк кунларида ноқ Бухоро заминиде яшаб ўтган етти пир қадамжолари ободонлаштирила бошланган, одамлар зўр иштиёқ билан

## Обод манзиллар

ҳашарга чиқиб, бу ерларнинг тозалаш, қурилиш ишларида хисса қўшишга интилишарди. Шу боис ҳар ким қўлидан келгани — бири кетмон, бири белкурак билан, яна кимдир ширин сўзи билан қўмакка чоғланган, аёллар эса ишлаётганларга иссиқ таомлар пишириб келтирар, супир-сидир қилиб, чақ-чақлашиб қайтишарди.

Нусухабону бибим ҳаётликлариде айтди: "Ҳўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий — Бухородан ўтган етти пирнинг учинчилари. Улар ётган бу ер бир кун келиб зиёратгоҳга айланади. Ҳали кўрасиз, шу жойлар обод бўлади. Катта сайиллар ўтказилади".

Мана ўша кунлар келди... Орадан қарийб йигирма икки йил ўтибди. Онамни кўргани уйга қайтар эканман, Анжирбоғ кишлоғини кесиб ўтган йўл гавжумлигидан, бироз тўхтаб, кутиб туришимизга тўғри келди. Қамишлар ўсиб ётган ботқоқлик ўрнини чинидай текис, чиройли йўлаклар эгаллаган. Чор атроф гулзор, мевазорга айланган. Қорувул — Уста бобо боғдан мевалар териб, "Насиба, тотиб кетинглар. Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавий тасавуф илмининг билимдонни бўлиш билан бирга, уста боғдон ҳам бўлганлар. Хузурларига ташриф буюрганларни қишини ёзини дарахти бандидан ҳозиргина узилгандай янги сархил мевалар, айниқса анжир билан сийлаганлар", дея, мевалардан олишга ундайдилар...

Бугунги кунда анжирбоғликлар нафақат мамлакатимизнинг тўрт томонидан, балки, дунёнинг ҳар тарафидан зиёратга келувчиларнинг ташрифига ўрганиб қолишган. Йўллар ҳаммаша турли русумдаги авто уловлар билан тирбанд бўлади. Улуғ авлиёлар ётган заминнинг обод бўлганидан кўнгли тўлади. Кексаларнинг кўзларида қувонч ёшлари...

Менинг кўз ўнгимда эса аллақачонлар ўтиб кетган, аммо ваҳимаси ҳамон дилимда қолган ўша кунлар хотираси лопиллаб тураверади.

Юлдуз КАРИМОВА,  
журналист.

## БИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН УЙЛАР

Бугун юртимизнинг чекка худудларида ҳам замонавий турар-жойлар, спорт иншоотлари, кўркем мактаб, коллеж бинолари барпо этилапти. Бир сўз билан айтганда, кишлоққа sanoat жадал сурьатларда кириб келмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Кишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори бунёдкорлик ишларини янги босқичга олиб чиқди. Бошқа худудларда бўлгани каби бизнинг туманимизда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳарлар билан бўйлашаётган обод манзиллар пайдо бўляпти. Энг қувончлиси, намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган турар-жойлар замонавий архитектура талабларига тўла жавоб бериши ва мукамал инфратузилмага эгаллиги туфайли ҳар бир хонадон со-

ҳибларига манзур бўлаётир. Ҳар гал ана шундай шином ва чиройли уйлар олдиндан ўтаётганимда юрагимда ғурур уйғонарди.

Яқинда бизнинг оиламиз аъзолари ҳам банкнинг имтиёзли кредити асосида туманимиздаги Ўртабуз мавзесида бунёд этилган намунавий лойиҳалар асосида қурилган 4 хонали уйни олишга муваффақ бўлдик. Янги уйнинг кўркемлигини кўриб, беихтиёр ёшлик йилларим ёдимга тушиб кетди. Чанг қўчалар, лойсувоқ уйлар бўларди у пайтларда. Энди эса кишлоқдаги бундай гўшаларни кўриб шаҳарликлар ҳам бизга ҳавас қилиша-



япти. Қаранг, хоналари кенг, ёруғ ва шином. Ошхонада яратилган шароитни айтмайсизми. Табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, бари муҳайё. Бир пайтлар

ўтин ёқиб, ўчоқда сув иситиб, овқат пишириб қийналардик. Ҳовлимизни кўрган яқинларимиз, дўстларимизнинг ҳаваси келиб, уларда ҳам намунавий лойиҳадаги уй-жойларга бююртма бериш истаги туғилмоқда. Буни эшитиб, ич-ичимдан қувонаман.

Дарвоқе, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунёнинг аксарият давлатларида қурилиш, хусусан, уй-жой қурилиши сурьати кескин камайган бир паллада юртимизда бу борада ҳавас қилишга арзигулик муваффақиятлар қўлга киритилган бўлмоқда. Бундай уйлар биз аёлларнинг оғиримизни енгиллаштириб, турмуш шароитимизни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Гулнора ҚУРБОНОВА,  
Жомбой туман 2-сон ДНИ  
катта нотариуси.

Хушовоз хонанда Зохида Умарова узоқ йиллар санъат оламида кўринмади. Зохиданинг бундан 20 йил илгари ижро этган "Юрт қадр" таронаси муштақиллик ҳақидаги энг мукамал кўшиқлардан бири бўлган, десак янглишмаймиз. Радионинг олтин фондида унинг 43 та кўшиғи сақланмоқда, лекин "Юрт қадр" унинг "юз" бўлиб қолди ва хонандани машҳур қилди. Мухлислари Зохидани анча йиллардан бери "йўқотиб" кўйгани рости. Лекин яқинда телевидение орқали яна Зохиданинг "Юрт қадр", "Ҳижрон" каби бир қанча кўшиқлари янграй бошлади. Яқинда санъаткоримиз тахририятимиз меҳмони бўлди.

Зохида УМАРОВА:

## ЯХШИЛАРГА СУЯНИБ ЯШАЙМАН!

— Зохида, мухтарам адибимиз Шукр Холмирозав асари асосида видеофильм яратилган. Унда гумроҳ йигит хотинининг гапига кириб, онасини даштга эргаштириб келади, дарахтнинг тагига ташлаб кетади. Хато қилиб кўйганини сезиб қайтиб борса, онаси ўтирган жойида йўқ. Йиғлаб, даштни бошига кўтариб онасини излайди, онасини ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ. Кадр ортидан эса сизнинг кўшигингиз янграйди ва кишининг кўзига беихтиёр ёш келади. Бу кўшиқ бастакор томонидан сизга қандай тақдир этилган?

— Ўзим ҳам бу видеофильмни қайта-қайта томоша қилиб йиғлаганман. Бетакор бастакор Анор Назаров бу фильмга кўшиқ ёзмакчи бўлиб, хонанда қидирган. Таниқли санъаткорларнинг ижросидан негадир кўнгли тўлмаган. Мен бу пайтда катта кизимга ҳомиладор эдим. Зохида ҳам айтиб кўрсин-чи, деб мени излашибди. Айтдим, кўшиқ Бадий кенгашдан ўтди. Ўша йилларда композиторлар видео ва кинофильмларга атайлаб кўшиқчи ахтаришарди. "Юрт қадр" мени жуда машҳур қилди, десам муболага бўлмайди. Давраларда қайта-қайта сўраб эшитишарди. Ундан кейин ҳам кўп кўшиқлар куйладим, лекин бу кўшиқнинг қадрини ўзгача бўлди. Алишер Расулов, Анор Назаров каби таниқли бастакорлар билан ишлага-

нимдан бахтиёрман. Улар шунчаки ижод қилишмайди.

— Энди-чи? Яна шоубизнесга қайтдингиз. Бугун ҳам яхши бастакорлар йўқ эмас-ку?

— Бор, лекин кўп бастакорлар яратаётган куйлар бир хил. Шунинг учун бироз қийналаяман. Яхши шеърлар излаяман. Хуллас, яна санъатга қайтдим ва жиддий изланапман. Томошабин қалбини унча-мунча кўшиқ билан забт этиб бўлмайди.

— Нега узоқ вақт кўшиқ айтмай кетдингиз?

— Бугунги кунда санъат оламига кирган хонанданинг тўхтаб қолиши мумкин эмас. Гап фақат маблағдамас, ахир! Узоқ вақт кўринмаганимнинг сабаби болаларим тарбияси билан машғул бўлдим. Иккинчидан, анча йиллардан бери Шайхонтохур туман маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари сифатида фаолият юритаяман. Ёш истеъодларни кашф этдик, овози яхши ўғил-қизлар бор, аммо уларга жиддий эътибор керак. Мен бир раҳбар аёл сифатида ҳокимият ишларида ишлаётган инсонларни, ҳокимдан тортиб, оддий ишчиғача кузатдим. Улар-



нинг ҳар бири фидойи инсонлар. Юртимиздаги ободончилик, бунёдкорлик ишларига баҳоли қудрат бош-қош бўлишяпти. Қайда бўлмай, мухлисларим нега кўшиқ айтмаяпсиз, деб сўрашади. Қайсидир санъаткор учун бу гап оддий бўлиб туюлар, аммо мен бундан қувониб кетаман. Санъаткор томошабиннинг меҳридан, қарсақларидан куч олади. Менинг вақтим зое кетмади. Насиба Абдуллаева бир кўшиғида куйлаганидек, бахтимизга яхши одамлар бор бўлишсин-да.

— Мухлисларга оилангиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Санъатга тақдирини боғланган аёлга ҳам оналикни, ҳам бекаликни, ҳам давлат ишини эплаши анча мушкул. Аммо ёнингда сени тушуна-

## Гурунг

диган, кўллаб-қувватлайдиган турмуш ўртоғинг бўлса, ўзингни кучли ҳис қиласан. Шундай суянч тоғим борлигидан бахтлиман. Акмал акамга нафақат умр йўлдоши, балки санъат ва адабиётни чуқур идрок этадиган инсон. Болаларимга келсак, катта ўғлим Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институтида таҳсил олаяпти. Кичкина кизим ёш бўлишига қарамасдан, пианино, скрипка чалишни, кўшиқ айтишни яхши кўради. Кўшиқчининг боласи кўшиқчи бўлиши шарт эмас. Ўзида истеъод бўлмаса, минг уринма, ҳеч нима чиқмайди. Болаларимга ҳамма нарсага ўз кучларинг билан эришинглар, қийинчилик билан эришилган ютуқ ширин, тотли бўлади, дейман.

— Жуда ғайратли ва ишжонатли аёлга ўхшайсиз? Санъат оламига яна шу тарзда киришиш қийин кечмаяптими?

— Йўқ, бир нарсани аниқ биламанки, ўзимни бошқа соҳада кўра олмадим. Илгарилари оналик, бекалик ва санъатни баб-баравар олиб бориш толиқтирарди. Бу уммонинг ичида йўқолиб қолгандек ҳис этардим ўзимни. Кўпинча бир аёл ҳамма нарсани эплаши, улгуриши ўта мушкул ишдек туюлади. Аммо ёнингда энг аввало, сени тушунадиган мухлислар ва яхши дўстлар бўлса шунинг ўзи катта давлат, деб ўйлайман. Оналик улуг бир вазифадан ташқари у ҳам бир касбга ўхшайди аслида. Шу боис ҳам кўзим билан соатлаб эринмай ишлаймиз, уйимдагилар учун таомлар, пишириқлар пишираман, одамларга нисбатан тушунчаларини мен билан ўртоқлашишади. Санъат оламига сиз айтгандек, шиддат билан кириб келиш эса ўз-ўзидан бўлмайди. Шоубизнесда фаолият юритиш, ўзингнинг топиш жуда қийин иш. Аммо астойдил ҳаракат қилиш, энг муҳимни, тўхтаб қолмаслик зарур.

Меҳринисо ҚУРБОНОВА  
суҳбатлашди.



**ҲАНГОМА** — тилимизда дилкаш, самимий суҳбат маъносини англатадиган "ҳангома" сўзининг туб илдизи "оддий фикр" деган мазмунни билдирган.

**Шомдан сўнг Доно бобо ҳангома излаб Маматрайим бахшининг уйига борарди.**  
Журналдан

**ЧИЙИР** — халқ оғзаки ижоди намуналарида бу сўзга кўп дуч келади. Бу сўз ҳозирда кам ишлатилса-да, лекин тилимиздаги энг қадимий сўзлардан саналади. "Чийир" сўзи "оёқ", "туёқ изи", "из", "йўл" деган маъноларни англатади.

**Отга солди арпа билан ийирни, Кор ёққанда қарвон солар чийирни.**  
"Алломиш" дostonидан

**ЦИТРУС** — асли тилимизга лотин тилидан кириб келган бу сўз ҳозирда апельсин, лимон, мандарин каби ўсимликларнинг умумий номини билдиради. Қадимда лотинчада фақат лимоннинг ўзигагина "цитрус" деб аталган.

**Цитрус ўсимликларини иқлимлаштириш юзасидан олиб борилган ишлар ўз самарасини берди.**  
Газетадан

**ТУМАН** — бу сўз ҳаммамизга яхши таниш. Изоҳли луғатда у "атмосферанинг қуйи қатламларида юзага келадиган майда сув ёки муз зарралари" деб изоҳланган.

**Атрофга қалин туман тушди.**

"Туман" сўзининг туб илдизи "ўн минг" деган маънони ифодалайди. Шунинг учун қадимда ўн минг отликдан иборат аскарнинг қисми ҳам "туман" деб айтилган. Шунингдек, "туман" сўзи "нихоятда кўп", "саноғига етиб бўлмайдиган", деган мазмунни ҳам ифодалайди. Яна вилоятларнинг таркибий қисми бўлган маъмурий-худудий бўлинма ҳам "туман" сўзи билан ифодланади.

**Эшқобил ШУКУР**  
тайёрлади.

## Термалар

### ЎЗИМГА АЁН

То тирикман, айтар сўзим биламан,  
Фарзандларим — икки кўзим, биламан.  
Юрган йўлларимдан айб ахтарма, эй дўст  
Ўзимдан ўтганин ўзим биламан.

### ДЎСТ

Ёнингда турса маош олганингда,  
Ва ёки оиша қошиқ солганингда —  
Алар дўстмас, ҳақиқий дўст будурким:  
Қулин чўзса оёқдан қолганингда.

Алтипер АЙМАТЛИ

## ТАҚДИРИМСАН СЕН МЕНИНГ...

Онамдайин меҳрибон,  
куёшингни куйлайми,  
Отамдайин бағри кенг,  
заминингни куйлайми,  
Оғамдайин кўнгли пок,  
золинигни куйлайми,  
Синглимдайин қизғалдоқ,  
ифоринини куйлайми,  
Тақдиримсан сен менинг,  
озод ва обод Ватан!

Оламларни забт этган,  
чемпион ўғил-қизинг —  
Мадҳ айласам, арзидай  
ҳар бир инсон мен-чи, дер,  
Меҳнатидан фахр айлаган,  
ёруғдир ойдаи юзинг,  
Элу юрт ризқин бут айлаб,  
деҳқонларинг тўқар тер,  
Тақдиримсан сен менинг,  
озод ва обод Ватан!

Баҳорининг боғларин  
жаннатга қиёслағай,

Юртим очил дастурхони  
қишгача ёпилмағай,  
Пахтазоринг, бугдойзоринг  
кўзимни зийнатлағай,  
Кумуш қишинг нуруний —  
худди бувим, бобомдай,  
Тақдиримсан сен менинг,  
озод ва обод Ватан!

Тоғу тошинг, чағ-тўзонинг  
кўзларимга суртайин,  
Боғу роғинг, хас-чўпинг,  
бизга азиз бирдайин,  
Оллоҳ назар қилган юрт,  
то қиёмат омон бўл,  
Сенинг бағринг куёндир,  
ўзинг ёруғ осмон бўл,  
Тақдиримсан сен менинг,  
озод ва обод Ватан!

## БАХТ ҚУШИМ

Ўзингиз бошимга кўнган бахт қушим,  
Кўндўзар ҳаёлим, кечалар тушим,  
Бағзида бўзимга қадалган тошим,

## Илҳом

Йиғласам, кўздаги аламли ёшим,  
Ҳаммаси ўзингиз, умр йўлдошим.

Олдингизда эгик бу мағрур бошим,  
Сиз келар йўллардир бу қалам қошим,  
Қайларда юрибсиз, эй бағритошим,  
Гоҳ ишрин, гоҳида аччиқдир ошим.  
Ҳамиша ўзингиз, умр йўлдошим.

Узоқларда қолди, мен ўсган боғим,  
Сиз менинг ишонган, суянган тоғим,  
Муҳаббат юртида порлоқ қуёшим,  
Қалбимнинг тўрида, таңҳо сирдошим,  
Ҳаммаси сиз бўлинг, умр йўлдошим!  
Фаргона вилояти,  
Бувайда тумани.

Равнохон  
СОТВОЛДИЕВА



# ОМОНДАРА ГУЛЛАРИ

Баланд тоғлару заминга туташиб кетган чўққилар бағрида жойлашган Жом кишлоғини кузатган одамнинг бахри-дили очилади, бир зумда бу сўлим гўшани яхши кўриб қолади. Тоза ҳаво, кенглик, мусоффо осмон, содда, самимий ва санъатсевар жомликлар ўзлари яшаётган ҳудуддаги Окшаппа, Қоразов, Плантов, Каптархона деб номланган чўққию тоғларини қандай севишса, мард ва жасур ўғлонлари билан ҳам ана шундай фахрланишади.



## Ватан жавоҳирлари

Йигинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи. Маҳаллада Кундуз холяни каттаю кичик ҳурмат-иззат қилади. Боиси, бу онахон ҳар қандай муаммони ўз жойида, уриш-жанжалсиз ҳал қилади. 2005 йилда Президентимиз Фармонига биноан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган тиним билмас Кундуз холя бир этак фарзандлар ва 37 нафар неваранинг суюмли момоси. Турмуш ўртоғи Хўжақул ака ва ўғли Воҳиджон лалмикор ерда фермер. Опанинг ўзи эса гилам тўқиш гилам шугулланади. Қишлоқда гилам тўқишда холага етадигани йўқ.

— Гиламчилик қонимизда бор. Патгилам, қоқма гилам, хуржун, пайпоқ, жемпер тўқиймиз. Гилам цехимда 13 нафар аёл касаначилик асосида ишлайди. Ҳалол меҳнатимиз билан одамларга фойдамиз тегаётганидан хурсандимиз, — дейди момо гурурланиб.

— Бугунги кунда «Омондара» маҳалласида 572 хонадонда 3893 нафар киши истиқомат қилади. Оилалар сони эса 845 та. Ахралишлар деярли йўқ. «Чўнқаймиш», «Анназирад», «Бешбармоқ», «Йўғабулук», «Омондара» номли гузарларимиз, Бешбулоқ, Ўртабулоқ, Бошбулоқ, Кўрбулоқ, Гишбанд деган булоқларимиз бор. Омондара бутун Жом кишлоғини сув билан таъминлайди, — дейди «Омондара» маҳалла фуқаролар йигини фаолларидан бири Саодат Расулова.

«Тўйган ердан кўра, туккан ер яхши» дейди доно халқимиз. Шундай бўлгач, ўз туғилиб ўсган еридан миннатдор бўлиб яшаш, эл қорига ярашни бахт деб билиш ҳар бир юртдошимизга насиб этсин. Зеро, орамизда шундай инсонлар бор экан, Ватанимиз кундан-кунга яшнаб, яшариб бораверади!

**Назира БОЙМУРОВОДА,**  
«Оила ва жамият» мухбири.

Нуронийларнинг ҳар бир насаҳати ҳаёт ҳикматларига йўғрилган. Бўка туманининг Бўстон маҳалласида истиқомат қилаётган Анвархон ая ва Абдулла ота Умаров ҳам салкам ярим асрдан буён бирга яшаб келаётган пиру бадавлат, дуоғўй нуронийлардан саналади.

— Оқил ота-она фарзандга яхши сўз билан тарбия беради, — дейди Абдулла ота. — Болага ўз вақтида рағбат берилса, у зиммасига юклатилган вазифаларни янада пухтароқ удалашга уринади. Бола ҳам акс-садога ўхшайди. Ота-онаси қайси йўлга юрса, у ана шу йўлга оёқ босади. Бола ота-онадан андоза олади-да. Қирк беш йиллик турмушимиз ҳақида невараларимизга сўзлаб берсак, улар учун бу ҳикояларимиз эртақка

## Пиру бадавлатлар

келади, шундай экан, сизлар хорлик-зорликда яшамасликларингиз керак», дерди. Ёшим етимиши қоралаганда, бобомнинг ўша, умид билан айтган ниятлари ҳақиқатга айланганини англаб кўзларимга ёшлар тўлади. Бахтимиздан айланай, шундай тинч, фаровон замонда яшайпмиз. Бу кунларнинг қадрига етиш керак.

— Яратганга шукрки, тўрт ўғил ва икки қизимиз бор, — дейди Анвархон ая. — Ҳаммингиз турмушида камчилик бўлиши табиий. Тадбирли, ақлли одам оиласини бутлашнинг улдасидан чиқади. Ўғилларим Абдуқодир, Абдуқаҳҳор, Ҳасан-Хусанлар барчаси хунарли. Қизларим Наргиза ва Умида илмли бўлишга интилишди.

# ДУОСИДА ШУКРОНАЛИК БОР

ўхшайди. Аввалги замонларда ота-боболаримиз ертўлага ўхшаш пахса уйларида кун кечиришган. Чунки ҳаммининг ҳам бир қўним жойи бўлмаган, тирикчилик кўчиб юришни талаб этган. Ўтган йиллар мобайнида не-

Уларга берган тарбиямиз зое кетмади. Келинларим Ирода, Лолахон, Камолахон ва Муқаддамларнинг қадими кутли келди, уйимизга барака кирди. Катта келинларимнинг эпчил-чаққонлиги кейингиларига мактаб бўлди.

— Бир пайтлар, эсимда, айрим калтабинлар ўқишга отланган қизларни кўрса, аёл боши билан нима қилиб берарди, шундан кўра тезроқ турмушга чиқса бўларди, деган ғалати фикрга борарди, — дейди Абдулла ота. — Лекин мен ўшандаям бу ақидага қарши бўлганман. Аксинча, ҳавасим келган ўқиганларга. Бугун невара қизларим ва келинларимнинг олий ўқув юртларида ўқиб, олий маълумотли бўлишини хоҳлайман. Чунки болаларнинг яхши тарбия олишлари, ҳаётда ўз ўрнини топишлари кўп жихатдан оиланинг тарбиячиси аёлнинг зукколигига боғлиқ.



не заҳматли кунларни кўрмадик. Аммо яхши кунларнинг умиди билан яшадик. Сабр қилдик. Болалар ёш, Анвархон опангиз иккимиз тинмай ишлаймиз. Шунда ҳам тирикчиликдан қийналганмиз. Фарзандларимизга сездирмасликка уринамиз. Аммо болалар ниҳоятда сезгир бўлади. «Дада, мен ҳам рўзғорга ёрдам берсам-чи», деб қолди бир кун катта ўғлим. Шу гапнинг ўзи бизга мадад бўлдим, янада кўпроқ ишлашга интилдик. Замоннинг зайлини қарангки, ота-боболаримиз бир умр орзу қилган кунларни кўриш бизларга насиб этди. Болалик чоғларимда бобом раҳматлик мени бағрига босиб: «Ойнинг ўн беши қора бўлгани билан, ўн беши ёруғ

олий ўқув юртларида ўқиб, олий маълумотли бўлишини хоҳлайман. Чунки болаларнинг яхши тарбия олишлари, ҳаётда ўз ўрнини топишлари кўп жихатдан оиланинг тарбиячиси аёлнинг зукколигига боғлиқ.

«Бўстон» маҳалласидаги тўй-маъракалар Анвархон ая ва Абдулла отанинг иштирокисиз ўтмайди. Ким бирор тантана ёки тадбир бошласа, дарров уларнинг эшигини қоқиб келишади ва маслаҳат, йўл-йўриқ сўрашади. Каттаю-кичик бир-бирига тоғлардек суяниб яшаётган бу пиру бадавлат инсонларга ҳавас қилади.

**Нигора ҲОЛОВА,**  
«Оила ва жамият» мухбири.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой. Нўхтали — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва мақияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).  
Тикувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул, сарпо қўти ва саватлар ясаш — 2 ой.  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Ўқиниш тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛАЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛАЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи).

## БИР ҲОВУЧ ДУР

Вақти келиб фан ҳаёлдан ўзиб кетади.

**ВЕРН**

Инсон ўзига-ўзи бўйсунганини ва ўз қарорларига итоат қилишни ўрганмоғи лозим.

**ЦИЦЕРОН**

Ҳақиқатдан кўрқмайдиган одамнинг ёлғондан кўрқиб қасос асос йўқ.

**ЖЕФЕРСОН**

Бирон-бир нарсани бажаролмайман деб кўнгилга келтирдингизми, шу пайтдан бошлаб уни амалга ошириш ғоят мушкул бўлиб қолади.

**Бенедикт Спиноза**

Бу воқеани заргарлик дўконларидан бирда ишлайдиган танишим ҳикоя қилиб берган эди.

— Ҳайит байрами куни кўринишидан ўзига тўқ, чиройли кийинган бир йигит дўқонимга хотинини етаклаб кириб келди, — деб гап бошлади у. — Уларнинг ортидан

киши, қани ўша узук, дея харид қилинган бир талай тилла буюмлар ичидан энг арзон узукни олиб, олдимга улоқтириб юборди ва "Кампирларга тилла тақишни ким қўйибди (!)", деди жаҳл билан. Бу ҳолатдан титраб кетдим.

Бу гапни эшитгач, онаси йиғлаб, дўқондан чиқиб кет-

ни ола қолинг, ойи-и! Менга ёқмагани учун қайтарувдим. Бўлди энди, намунча, ёш боладек аразламасангиз?! — дея тўнғиллади.

— Йўқ, ҳеч нарса керакмас, — деди кескин оҳангда ҳалиги аёл. — Шунчаки, ҳамма каби мен ҳам байрам баҳонасида бир хурсанд бўлишни хоҳлаганам холос. Гап узукда эмас, аслида кўнглида болам, энди қадрим қанчаллигини билиб олдим. Қаердан ҳам ўша узукни олмакчи бўлдим-а... Аллоҳ кечирсин сени болам, улуг айём кунларида хурсандчилигимни ўлдирдинг.

Шу пайт... Бу маҳзун ҳолатни кузатиб ўтириб, гувоҳи бўлиб, беихтиёр кўзларимга ёш келди. Ич-ичимдан эзилиб кетдим. Бу нуруний, муштипар онаизорнинг чилчил синган дилига малҳам топишга ожиз эдим.

Бу воқеани эшитиб, менинг ҳам кўзларим ёшланди. Наҳотки, одамлар ўз ота-оналарига нисбатан бу қадар бемехр бўлиб кетишган бўлса!.. Ота-онани хор қилиш шунчалик бўладими? Мурғак гўдақлик чоғимиздан бошлаб, то улғайиб, ўзимизни эплайдиган бўлганимизга қадар емай едириб, киймай кийдирган, бизнинг роҳатимиз учун тунлар уйқуларини унутган, бутун умрини, соғлигини бизларга бахшида этган ота-оналаримизга ташаккуримиз, муносабатимиз шуми? Яхшиликнинг жавоби наҳот шундай бўлса?.. Ота-онасини бошидаги тож, бирисини ой, бирисини қуёш деб билган олийжаноб халқимизнинг асл қадриятлари қайларда қоляпти?.. Наҳотки, келинларимиз ҳам биттагина қайноналарини Аллоҳ учун, ёки бундай тушунча уларга бегона бўлса, ҳеч бўлмаганда ўз эрларининг ҳурмати учун кўнглини олишни, ҳурматларини жойига қўйишни ўзларига эп кўрмайдилар?!.. Агар эр ўз ота-онасига бепарво бўлса, уни тўғри йўлга солиш аёл кишидан вожиб эмасми?!..

Қайтар дунё, дейдилар. Эрта бир кун улар ҳам ўғил уйлантириб, қайнона бўлганларида, ўзларига нисбатан шундай муомала қилинса, чидай олариканлар? Охирадта-чи, охирадта ота-онасига бемехр ва бепарво фарзанднинг оқибати не бўларкин?

Ота-онага яхшилик қилиш фарз, уларни ранжитиш, дилларини огритиш эса гуноҳи кабирадир. Ота-онани йиғлатиш, гуноҳга буюрмаган ҳолатда итоат қилмаслик, дилларини огритиш, кескайганларида яхшилик қилмай, ёрдам бермай ташлаб қўйиш, чунончи Саховат уйларида олиб бориб қўйиш, дўстни отадан, хотинни эса онадан устун тутиш ҳам ота-онага оқ бўлиш жумласидан ҳисобланади.

Буни эрта-ю кеч ёдда тутмақ лозим.

**Одилхон ИСМОИЛОВ,  
Тошкент шаҳар  
Шайхонтоҳур тумани  
бош имом-хатиби.**

## “МУҲАББАТИМ ҚУРБОН БЎЛДИ”

— Асли водийданман. Оддийгина тегирмончининг ўғли эдим. Кўшни тумандан ижарага ер олиб, деҳқончилик қилардик. Ўша ерда бир қизни ёқтириб қолдим. Унинг бўйлари узун, қошу кўзлари бир боқишда одамни ўзига мафтун этарди. Мен буткул оромимни йўқотган эдим. Уни учрашиб юришга кўндирганимча анча овора бўлдим. Қимматбаҳо совғалар билангина кўнглига йўл топа олдим. Ота-онаси ҳам мени ёқтириб қолишганди. Кунда кунора уйда қизи ёлғиз қолаётганини айтиб, ундан хабардор бўлиб туришимни тайинлаб, ўзлари даладаги чайлаларига йўл олишарди. Укалари кичкина бўлгани боис, гоҳида уларникида тунаб ҳам қолардим. Шу орада гуноҳ ишга қўл урдим. Бир куни...

Ҳали коллеж ўқувчиси бўлган Хуснора хомиладор эканини айтганида нима қиларимни билмай қолдим. Ўша кезлари кўнглим майлига кулоқ тутганим, нафсимни жиловлашга ирода етмагани учун кейинчалик жуда кўп афсусландим. Уйдигиларга бор гапни айтдим. Отам кўнмади. Онам уввос солиб йиғлади. Шунда, сизлар совчиликка бормасангиз, борадиганларни топаман, дея ўшқириб кўчага отилдим. Хуснора-ларникига бориб, ўша ерда яшай бошладим. Бўлажак қайнонам эрта-ю кеч, тезроқ совчи юборишимни, қизига уйланишимни тайинлар, агар қайнотам билса, ҳаммамизни аёб ўтирмаслигини айтиб, таҳдид қиларди. Хусноранинг эса қорни каттариб борарди. Ниҳоят бир куни отам мени излаб келди. Элдан уятга қолмаслик учунгина менга тўй қилиб беришини айтиб, сўкинганча терс бурилиб кетди. Ака-опаларим йиғилиб, топган-тутганини ўртага ташлашди, етмаганига ота-онам қарз олиб, тўйимни ўтказиб беришди. Улар менинг тинч яшаб кетишимга умид боғлашганди. Тўй оқшомида Хусноранинг тоби қочиб қолди. Шундан сўнг касалдан боши чиқмади. Онам бечора тонгдан ярим тунгача рўзгор ишлари билан овора бўларди. Уч ойдан сўнг фарзандлик бўлди. На рўзгор юмушларига, на ош-овқатга уқуви йўқ хотиним, болага ҳам эглаб қарай олмасди. Шу боис тез-тез жанжаллашиб қолардик. Бу жанжаллардан эса ота-онамнинг тинчи йўқолган, қон босимлари ошиб кетадиган бўлиб қолди. Эр-хотин иккимизнинг гапимиз гапимизга тўғри келмасди. Бизни муроасага келтириш учун орага тушмаган одамнинг ўзи қолмади. Охири қайнотамнинг тавсияси билан бошқа жойга кўчиб чиқдик.

Кенжа ўғил бўлганим учун онамнинг менга меҳри бошқача экан. Мени кутиб, йўлларимга интизор бўлиб, охири бетоб-ланиб ётиб қолди. Шунда ҳам кўзим очилмабди. Онамни бир кўриб келай, демабман. Топганимни хотинимнинг қўлига тутқазиб, унга энг яхши кийимлар олиб берибман. Энг яхши жойларга сайру саёҳатларга олиб борибман. Ҳатто ака-сингил, ёру биродарларимдан ҳам воз кечибман. Отам бир неча марта “Кўзингни оч, бола, ҳамма эркаклар ҳам уйланади, болачақалик бўлади. Аммо ота-онаси, қариндош-уруғидан воз кечмайди”, деди. Кулоқ солмадим. Аксинча, қайнотамга қўшилиб, қинғир йўлларга қира бошладим. Қайнона-қайнотам ҳам, хотиним ҳам бойликка жуда ўш эди. Мени тинимсиз ишлашга, нима қилиб бўлса пул топишга ундашарди. Хотиним бўлса “Тўйда у нарса олиб бермагансиз, бу нарса олиб бермагансиз”, дея хархаша қиларди.

Онамни кўргани сўнги марта уйга борганимда бир кеча тунаб қолишимни ўтиниб сўради. Мени бағрига босиб роса йиғлади. Тошдек қотиб туравердим. Орадан уч кун ўтгач эса касалхонада оғир бетоб ётганини эшитдим. Яна хотиним ва боламдан эриб, унинг олдида чопиб боролмадим. Эртаси куни у ёқдан нохуш хабар келди. Кўз ёшларим энди бефойда эди.

Маъракаларини ўтказиб, уйимга келдим у яна қинғир ишларга шўнғиб кетдим. Охир-оқибат жиноят устида қўлга тушиб, узок муддатга қамалдим. Энди оиламдан узокда барча қилмишларим учун жавоб бераётгандим. Шунда ҳам ўзимни Хусноранинг кўзларидан, сўзларидан мадад олгандек ҳис этардим. Қамоқхонада уйқусиз тунларда менга тайинланган урчашуларни, совға солинган “халта” ларни кутишдан бошқа иложим йўқ эди. Шундай кунларнинг бирода хотиним учрашувга кўча қизларидек кийиниб келди. Бу ҳолатни тушунтириб беришини талаб қилганимда, энди қўлимдан ҳеч нарса келмаслигини айтди. Ҳар сафар учрашув белгиланганида, акаларимга қўшилиб келган аёлимнинг ўзини тутиши ва ярим яланғоч кийинганини кўриб, уятдан ерга киргудек бўлардим. У эса беписанд бир оҳангда: “Ҳали ёшман, чидасангиз шу”, деган жавобни қайтарарди.

Кейин билсам, аёлимнинг оёқ олиши ўзгарганига анча бўлган, у аллақачон менга хиёнат қила бошлаган экан... Ана шундагина кўр кўзларим очилди...

Яқинда озодликка чиқдим. Энди отамнинг қуруқ савлати, онамнинг чирқираб юрган руҳи ва виждоним олдида ким деган одам бўлдим? Мен ота-онамни рози қила олмадим. Сохта муҳаббат қурбони бўлдим. Кеча эшитдим, аёлим фарзандимни онасига ташлаб, бошқа бир эркакка иккинчи хотин бўлиб тегиб кетибди. Энди кимга дардимини атайин?

**Дилмуроднинг бошдан кечирганларини  
Нигора ЭРКИН қизи оққа кўчирди.**

## ...ҚАДРИГА ЙИҒЛАГАН

# ОНА



чақалоқ кўтариб олган кекса онахон ҳам кўринди. У ичкарига кирмай, пойгакда туриб қолди. Билсам, бу қария мазкур йигитнинг онаси, қўлидаги бола эса унинг набираси экан. У журъатсизгина ичкарига кириб, арзонгина узукни олиб, қўлига тақиб кўрди.

Йигитнинг рафиқаси турли-туман қимматбаҳо буюмлар териб қўйилган ойнали пештахталар ичига гўёки шўнғиб кетган, улардан бошини кўтаролмай қолганди. Кўзига яхши кўринган ҳамма нарса кўлига олиб, бўйнига, қўлларига тақиб кўрар, “қалай”, дегандек эрига ҳам кўрсатарди. Шу тариқа, у нарҳига парво ҳам қилмай, анчагина тақинчоқларни танлаб олди. Шундан кейин эрига имо қилган эди, у: “Неча пул бўлди?”, дея мендан сўради.

— Жами йигирма беш миллион бир юз етмиш минг сўм бўлди, — дедим, лекин ҳисобни кўриб, кўрқиб кетса керак деган ўйда жим туравердим.

Аммо уни бошқа нарса ҳайратга солди.

— Ие, “бир юз етмиш минг”и қаердан келди, оқаси? — деди пешонаси тиришиб... — Ҳисобни тўғри қилинг...

— Ха-а-а, ҳалиги, онангиз бир юз етмиш минг сўмлик кичкина узук танлаган эдилар...

Шу пайт кўз ўнгимда галактика ҳодиса рўй берди. Боғи

ди. Ойнаванд эшиқдан уни кузата бошладим. Она ўглининг машинасига бориб, маъ-юс ҳолда ўтирди. Бўғзимга бир нарса қадалгандек бўлди. Унга раҳиман келиб кетди. Қаршимда гўё, ўз онам бехурмат қилингандек эди.

Шу пайт боғи бойваччанинг хоними қўлларини паҳса қилиб, эрини койий кетди.

— Нима қилардингиз, а, шунақа қилиб?.. Уфф, шу етмай турувди. Энди, наварасига қарамай қўйса нима бўлади, а?! Ким кўтариб юради, энди болани? Ман кўтармайман-у ахир!

Тавба деб ёқамни ушладим... Анави кекса аёл онамиди, қайнонами ёки хизматкор?.. Ҳайратдан бир зум туриб қолдим. Охири, сабрим чидамай ҳалиги йигитнинг ёнига бориб ўзимча унга танбех бердим.

— Жуда ҳам хунук иш қилдингиз-да биродар. Аёлингиз учун сарфланган миллионларнинг олдида шу муштипар онангиз танлаган биттагина арзон узукнинг пули нима бўларди, ҳайф-е, сиздай ўғилга! Ҳалиям кеч эмас, ойингизнинг кўнглини олинг, кечирим сўранг, кўнгли истган нарсага олиб беринг, бўлмаса савобдан бебаҳра қоласиз.

Унга менинг гапларим тасир қилди шекилли, секин машинада қимтинибгина ўтирган онасининг ёнига бориб:

— Хоҳласангиз ўша узук-



## ЁН ДАФТАР ЙЎҚМИ, ИШ ҲАМ ЙЎҚ

«Нейшнл Кеш Режистер» (National Cash Register) компаниясининг раҳбари Жон Паттерсон Наполеоннинг «ашаддий» муҳлиси эди. Эрталаб соат бешда у машҳур кўмондонларга ўхшаб корхонасининг юқори лавозимли ходимлари билан отда сайр қиларди. Паттерсон корхонасидаги ҳар бир ходимдан Наполеонга ўхшаб ён дафтар тутишни ва унга кундалик воқеа-ходиса, фикр-мулоҳазаларини ёзиб юришни талаб қиларди. Талабни бажармаган ходимларни қандай сабаб бўлишидан қатъи назар, иккилаб ўтирмай ишдан бўшатар эди. Шундай қилиб Паттерсон ён дафтарига нималарнидир ёзиб, дунёдан ўтиб кетди. Лекин қизиғи шундаки, 1910 йилдан 1930 йилгача дунёдаги йирик корхона раҳбарларининг олтидан бир қисми айнан Паттерсон ён дафтар тутишни қатъий талаб қилган ўша «Нейшнл Кеш Режистер» компанияси ходимлари эдилар. Улар қаторида дунёга машҳур IBM фирмасининг асосчиси Том Уотсон ҳам бор эди.

## ЎРГИМЧАКДАН КИМГА ФОЙДА?

Чумоли меҳнаткаш, асалари ишчан, ипак курти фидойи... Қадим-қадимдан оталар болаларни меҳнатга ўргатиш учун ушбу ҳашаротларни мисол қилиб келган. Капалакнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, нинчанинг ўйинкароқлиги қораланган... Ривоятлар ўз йўлига, бироқ биз



жуда ожиз деб билладиганимиз ҳашаротлар, аслида ҳам ақл бовар қилмайдиган хусусиятларга эга.

«Юрипелма калифорника» ("Eugrelma californica") зотиға мансуб ўргимчак тутқунликда 20 йилгача яшаш мумкин! Энтомологларнинг кузатишлари натижасида Хиндистонда мавжуд ўргимчак турларидан бири 18 йил очликка чидаб бериши аниқланган. «Юрипелма калифорника» ўргимчаги тўридан қадим-қадимдан газлама тўқишда фойдаланилган. Бироз бўшлигини ҳисобга олмаганда, сифат кўнгилдагидек – енгил, чиройли, майин. Бундай газламалар азал-азалдан Хитойда «Шарқий денгиз газламаси» номи билан машҳур бўлган.

Полинезияликлар йирик ўргимчакларнинг тўридан ип эшиб, балиқ тутиш учун тўр ясаган.

XVIII аср бошида Францияда бутли ўргимчакнинг тўридан аҳоли қўлқоп ва пайпоқлар тўқишган. Улар бундай ўргимчакларни, ҳатто, махсус жойларда сақлашган. Кичик қафасчага қамалган ҳашаротдан 500 метр-гача ип чиқариб олинган.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

## ЯРИМ КЎНГЛИМ ТЎЛАРМИКАН?

— Умр ўтиб, ёш бир жойга бориб қолгач, одамнинг ёлғизлиги билинар экан. Турмуш ўртоғининг хиёнати туфайли у билан қонуний ажрашгач, бутун эътибору меҳримни ёлғиз кизим Шахлонинг келажагига қаратдим. Уни нуфузли институтда ўқитдим. Яхши бир хонадонга келин қилиб узатдим. Ҳозир иккита неварам бор. Кизим ўзидан тиниб-тинчиган. Уйимизга тез-тез келиб туради. Улар кетгач, уйим хувилаб қолади. Ёлғизлик мени ўз домига тортади. Юрагим сиқилади. Дардимни тушунган онам кўлимга газетани тутқазиб, мени «Бахтли бўлинг» рўқнига келишга ундади. Мана ҳужжатларнинг нусхасини ҳам олиб келдим. Турмуш ўртоғим уйланиб, бола-чақали бўлиб кетган. Биздан хабар олмайди. Мана 25 йилдан буён бирор марта кўрмадим. **Ёшим 50 да.** Олий маълумотлиман. Худога шукр, ўзимга ёқадиган касбим бор. Маошим ҳам тузук. Иқтисодий томондан камчилик сезмайман. Ака-укаларим баҳоли қудрат ёрдам бериб туришади. Фақат синган кўнглимни тўлдирмоқчиман. Менга ҳамдарду, ҳамфикр бўладиган инсон учраса, хабар берарсизлар деб келдим.

МУХАЙЁ,  
Тошкент шаҳри.

## БАХТ КЕЛТИРГАН SMS

— Менинг исмиим Хушнуд, аёлимники эса Гулнора. Жиззахданмиз. Ўтган йили тахририятга мактуб йўллаб, ўз тақдирим ҳақида ёзиб юборгандим. Аммо мактубни газетада эълон қилмасликни сўраган-

дим. Орадан етти ой ўтгач, қўл телефонимга sms хабар келди. Гулнора исми кизнинг телефон рақамини кўриб, ўзим кўнғирок қилдим. Гулнора ҳам менга ўхшаб, номини сир тутишларини сўраб, тахририятга мактуб йўллаган экан. У билан sms ёзишиб юрдик. Март ойида пойтахтда учрашдик. Бир-биримизга маъқул бўлдик. Тасаввуримдагидек киз экан. Гулнораларни-



## Бахтли бўлинг

кига совчи юбордим. Онаси ҳам, отаси ҳам бизни газета орқали топшиганимиздан беҳабар қолишди. Бу сирни тўйдан кейин айтгандик, хурсанд бўлишди. Ҳозир бахтли яшаймиз. Инсон ўз бахти учун курашиши керак экан. Бугун элу юрт олдида юзимиз ёруғ. Чиройли оила соҳиблари бўлдик. Энди хайрли сиримизни ҳаммага ошкор қилсангиз бўлади.

## УЧ ЙИЛ КУТДИМ — КЕЛМАДИ

Институтнинг иккинчи курсида ўқиб юрган кезларим онамнинг дугонаси совчи бўлиб келди. Ўғли хорижда ишларкан. Йиглаб-сиқташимга қарамай, розилик бериб юборди. Акаларимнинг қаршиликларига ҳам парво қилмади. Ўша пайтда отам оламдан бевақт ўтгани сезилиб, ўқиб-ўқиб йигладим. Энг кизиғи, ҳали эндигина бир-биримизга кўника бошлаган пайтимизга яъни тўйдан бир ҳафта ўтгач, иш-хонамдан чақиришяпти, деб қувёв бола шоша-пиша чет элга жўнаб кетди. Мен ҳайҳотдек ҳовлида қайнонам билан ёлғиз қолдим. Бу воқеани эшитган онам, майли, тўй устида анча-мунча қарзга ботишди, шулардан қутилса биратўла келади, деб мени юп-тди. Эрим аввалига бир-икки бор кўнғирок қилиб, ҳол-аҳвол сўраб турди. Кейин негадир жим бўлиб кетди. Қайнонам билан онамнинг насиҳатларига кўниб, ишонасизми, уч йил уни кутиб яшадим. Охири сабрим чидамай, онамга: «Йўқ, мен бу уйда ортиқча қоровуллик қилмайман. На эр, на фарзандим бор, бундай ҳаётнинг кераги йўқ», дея қайтиб келдим. **Ёшим 27 да.** Маълумотим олий. Уйланиб ажрашган, 30-35 ёшгача бўлган инсон билан ҳаётимни боғламоқчиман.

НОЗИМА,  
Сирдарё вилояти.

## ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## Табиат — дорихона

### САРИМСОҚПИЁЗ

Саримсоқпиёз шифобахшлик ва фойдали хусусиятлари билан дунёдаги кўплаб халқларнинг сеvimли сабзавотларидан бири ҳисобланади.

Унинг таркибида фитонцидлар, эфир мойи, С, В витаминлари, глюкоза, азотли моддалар, минерал тузлар, йод мавжуд. Халқ табобатида саримсоқдан нафас йўли шамоллаганда ҳамда нафас қисилишида, безгақ, қорин дам бўлганида, балғам кўчирувчи восита сифатида фойдаланилади.

Ибн Сино ундан қайнатма тайёрлаб ичилса, ўпка сили ҳамда шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларга яхши натижа беришини ўз манбаларида келтириб ўтган. Бундан ташқари, саримсоқдан бўтқа қилиб, қичима ва эшакемида, соч тўкилишида суртишни тавсия этган.

Пиёзидан тайёрланган қайнатма гижжа ҳайдаш ва тумовни тузатиш хусусиятига эга. Сурункали йўталга сутда пишириб, нахорда ичишни маслаҳат беришади. Саримсоқни кўпроқ истеъмол қилинса, иштаҳани очиш билан бирга овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради. Саримсоқ шарбатини кўй ёғи билан аралаштириб, кўкрак оғриғида, кўйўтал хуружида елка ва кўкракларга суртилади.

Майдаланган 80 гр. саримсоққа 800 гр. кунжут мойи қўшиб қиздирилади. Ҳосил бўлган аралашмани бел оғриғида сурилса, кони фойда. 100 гр. ароққа 40 гр. саримсоқнинг тозаланган пиёзбошиси бўтқа ҳолига келтириб солинади. Аралашманинг таъмини хушхўр қилиш учун ялпиз шарбати қўшилиб, бир ҳафта қоронги хонада сақланади. Сўнг кунига 4 маҳал 15 томчидан овқатланишдан 20 дақиқа олдин истеъмол қилинади.

Ушбу муолажа буйрак ва қовқуца тош бўлганда, ревматизм касаллигини даволашда фойдали.

Юқорида келтирилган муолажалардан фойдаланишдан аввал мутахассис билан маслаҳатлашиш лозим.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Мураббонинг ранги янада чиройли бўлиши учун пишгач, идиши билан совуқ сувга солиб қўйинг.

\*\*\*

Пиёз арчаётганингизда пичоқни совуқ сувга тез-тез ботириб олсангиз, кўзингиз ачишмайди.

\*\*\*

Тузга бир неча дона гуруч қўшиб қўйилса, у анча пайтгача яхши сақланади.

\*\*\*

Қайнатма шўрвага солинган картошкалар эзилиб кетмаслиги учун унинг бир неча ерига санчки тикиб олинг.

\*\*\*

Таги куйган қозонни бир-икки соат тузли сувга солиб қўйилса, осонгина тозаланади.

\*\*\*

Кечаси ёстиқ ёнига бир дона олма қўйиб ётсангиз, тиникиб ухлайсиз ва тетик уйғонасиз.

\*\*\*

Сабзавотларни пишираётганда ҳамда консервалаётганда улар қанчалик йирик тўғралса, ундаги озиқ моддалар шунчалик кўп сақланади.


\*\*\*

Уй гуллари соғлом бўлишини истасангиз, уларга тиндирилган сув қуйганингиз маъқул.

\*\*\*

Сочларингиз соғлом ва жилокор бўлиши учун унга кўпиртирилган тухум сариғини суртинг, бироздан сўнг атир совун кўпиги билан ювиб ташланг.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



## КЕЛИН ТАНЛАШ СИРИ

Дугоналаримдан бири ўглини уйлантириш учун муносиб киз қидираётганлигини айтиб қолди. Биргаллашиб таниш-билишларнинг қизларини чамалаб кўрдик.

— Ўқимишли бўлиши керак, деясан, Фалончихоннинг қизи-чи? — Олий маълумотли, яқинда институтни тугатиб, қайсидир коллежда ўқитувчи бўлиб ишлаяпти. Оиласи ҳам дурустгина.

Дугонам бироз ўйланиб турди-да:

— Бўлмайди, — деди эркак бош чайқаб. — Оилани эркак киши бошқариши керак. Сен айтаётган хонадонда аёлнинг сўзи устун. Қиз бола онанинг тарбиясини олади. Ота-онасининг бир-бирларига бўлган муомаласини кўриб улғаяди. Турмушга чиққан уйда кўрганини қилади. Бу умр савдоси. Шунинг учун ҳам етти ўлчаб, бир кесиш керак.

— Эҳ, дугонажон-эй, бунақада ҳали-бери ўғлингни уйлантирилмайсан. Ундан кўра, бу масалани ўғлингга қўйиб бер, яшайдиган у, ўзига муносибни танласин, — деди дангал гапиришга ўрганган дугонамиз Роҳатой гапни чўрт кесиб.

Ўғлимнинг кўнглига қўл солсам,

суйгани бор экан. Обдон суриштирдим. Лекин бизга тўғри келмайди.

— Нимаси тўғри келмаяпти? — дедим мен.

— Авлодида наслик касаллик бор экан, ким билади дейсан яна...

— Унда қариндош-уруғингда киз бўлса, шу-



лардан келин қила қол. Синашга бўлади, — деди жигибийрони чиққан Роҳатой.

— Йўқ, қариндошдан қиз олиб бўлмайди. Болалари соғлом туғилсин, десанг, етти ёт бегона билан куда тутишиш керак.

Дугоналар биримиз у дедик, биримиз бу дедик, аммо унга мос келадиган қизни топиб беролмадик.

## Ойна

Роҳатой уни майда гапликда айблади. Бироқ у билан хайрлашган, ўйланиб қолди.

— Ўғил уйлантириб, қиз чиқариб ҳам бу томонларини ўйламабмиз. Мана энди фарзандларимизнинг уйлари уй қилганимизча эсимиз кетяпти. Келин танлашнинг ҳам ўзига яраша сирини бўларкан-да. Мана, ўзимдан мисол, тўйдан олдин, келинимнинг онасини тили ёмон, деб гапиришган эди. Мен онасини эмас, қизини келин қилаяпман, деб чиройига маҳлиё бўлибман. У чиройликнинг ҳам "тили" бор экан.

Ҳа, Кариманин келин қидириши баҳонасида биз аёллар анча мунозара қилдик. Ҳар ким ўз фикрини айтди. Келини борлар, хулосасини.

Энг муҳими, "Қуш уясида кўрганини қилади", "Етти пуштини суриштиринг", деган гаплар бежизга айтилмагани бугун ҳаётда ўз исботини топмокда.

Шунинг учун ҳам ҳар бир ишда мулоҳаза қилиб, катталарнинг маслаҳатларига қулоқ солиш, хайрлидир.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**  
Андижон вилояти.

## СОБИҚ ЭР-ХОТИНЛАР ҲУҚУҚИ

ҳолатда тақдим этилган, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага илова қилиниши мумкин.

Беш йил аввал Умиджон исмли йигитга турмушга чиққанман. Икки ойдан кейин фарзандлик бўламиз. Лекин ҳар иккалаимизнинг ҳам аввалги турмушимиздан қонуний никоҳимиз бекор қилинган. Менин собиқ эрим айна пайтда жазо муддатини ўтамоқда. Шу ҳолатда ҳам бўлажак фарзандимнинг туғилиши қайд этилаверадими?  
**М. АШУРОВА.**

Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2006 йил 21 апрелдаги 10-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқноманинг 2-боб, 1-бўлим, 42-бандига кўра, туғилганликни қайд этиш никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш билан бир вақтда ота-онанин ФХДЁ органига берилган берган аризаси асосида амалга оширилади. Бундай ҳолларда, агар боланинг онаси бошқа шахс билан қонуний никоҳда турган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага аёл билан қонуний никоҳда турган шахсининг (эрнинг) нотариал тасдиқланган розилиги илова қилиниши ёки унинг ўзи ФХДЁ органига келиб, ёзма равишда ўз розилигини билдириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига шарҳларнинг 207-моддаси 3-банди 3-хатбошисида бундай розилик бўлмаган ҳолларда аризага қонуний никоҳдаги эрни бедарак йўқолган, деб топиш ҳақидаги суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори ёки қонуний никоҳда турган эр жазони ижро этиш муассасасида бўлгани ва боланинг онаси у билан учрашувга бормаганлиги ҳақидаги жазони ижро этиш муассасасининг маълумотномаси илова қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда ота-онадан бирининг яшаш жойидаги ҳудудда жойлашган ФХДЁ бўлими жазони ижро этиш муассасасига мажбурдан бола уники эмаслиги ҳақидаги раддия хатини сўраб мурожаат қилади. Жазони ижро этиш муассасаси раҳбари томонидан мажбурнинг имзоси муассаса муҳри билан тасдиқланган

## ОТА ХОРИЖДА, ОНА ЭСА...

Мен бир йигитга ота-оналаримиз рози бўлиш-маса ҳам қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб, шаръий никоҳ орқали турмушга чиққандим. Ҳозир хомиладорман. Лекин эрим турли ваз-ваҳоналар қилиб, пул топиб келаман, деб хорижга кетиб қолди. Энди фарзандим дунёга келса, туғилиш гувоҳномасини олишим қандай тартибда бўлади?  
**Г. ЧОРИЕВА.**

Туғилганликни ёлғиз (қонуний никоҳда бўлмаган) она томонидан қайд этиришда онанинг яшаш жойида жойлашган ФХДЁ органига онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати, туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома ва онанинг ёзма аризаси тақдим этилади. Ёлғиз онанинг аризаси белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим бўлиб, ишончнома орқали далолатнома ёзуви қайд этилиши мумкин эмас.

Ёлғиз онанинг аризасида боланин, онанинг ва отанин фамилияси бир хилда она фамилияси бўйича она кўрсатган маълумотлар асосида ёзилиши лозим. Қонун ота ҳақидаги маълумотлар устунини очик қолдиришни манъада ва бу устунда отанин фамилияси она фамилияси бўйича, исми, отасининг исми ва миллати онанинг кўрсатмаси бўйича ёзилишини белгилаб беради.

Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этишда ёлғиз она шахсан иштирок этолмаган тақдирда, аризадаги она имзоси туғруқхона шифокорининг имзоси ва туғруқхонанин муҳри билан ёхуд нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт.

**Саволларга Наманган вилояти,**  
**Мингбулоқ тумани ФХДЁ бўлими мудири**  
**Шоира АБДУЛЛАЕВА** жавоб берди.



## ДЕНИС ИСТОМИН ЦИНЦИННАТИ ТУРНИРИДА

Америка Қўшма Штатларининг Цинциннати шаҳрида теннис бўйича "Western & Southern Open" халқаро турнирига старт берилди.



Мукофот жамғармаси 3.729.155 долларни ташкил қилган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин ҳам асосий тўрдан баҳсларга киришади.

Биринчи босқичда ҳамюртимиз мезбон спортчи Бриан Бэйкерга қарши кортга чиқади. Ушбу учрашувда голиб чиққан теннисчи иккинчи босқичда Григор Димитров (Болгария) — Николас Алмагро (Испания) жуфт-лиги голиби билан куч синашади.

Мазкур халқаро турнир голиб ва совриндорлари 18 август куни маълум бўлади.

## «ПАХТАКОР»НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лигасида ўн бешинчи турнинг марказий учрашуви мавсум пешқадами — "Бунёдкор" ва амалдаги чемпион — "Пахтакор" жамоалари ўртасида бўлди.

"Бунёдкор" мезбонлик қилган баҳсда "Пахтакор" 2:1 ҳисобида «қалдирғоч»лардан устун келди. «Шер»лардан Кахи Махарадзе ва Темурхўжа Абдуҳолиқовлар биттадан тўп киритган бўлса, "Бунёдкор" ҳимоячиси Лутфулла Тўраев орадаги фарқни қисқартирди.

"Бунёдкор"нинг очко йўқотишидан унинг энг яқин таъкибчилари — "Локомотив" ва "Насаф" жамоалари умуми фойдаланди. "Олмалик"ни сафарда 1:2 ҳисобида енгган "Локомотив" футболчилари 36 очко билан биринчи ўринга кўтарилган бўлса, "Қизилкум" дарвозасига битта тўп киритган "Насаф" вакиллари очколари сонини 35 тага етказиб, "Бунёдкор" билан тенглашди.

"Бухоро" ўз майдонида совринли ўринларга даъвогарлик қилаётган Бекободнинг "Металлург" жамоасини 3:1, "Гулистон" Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоасини 2:0 ҳисобида енгди. "Навбахор" — "Нефтчи", "Шўртан" — "Динамо" учрашувларида 1:1 ҳисобида дуранг натижа қайд этилди.


**Интернет манбалари асосида**  
**И. ЖУМАНОВ** тайёрлади.

**Муассасалар:** Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



**Бош муҳаррир:**  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — **Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА**  
Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**  
Мусаҳҳихлар — **Саидгани САЙДАЛИМОВ,**  
**Гулноза БОБОЕВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07** йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 828. Формати А3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6848. Баҳо-си келишилган нархда.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5